

Нигора Миромоновна МУЛЛАСОДИҚОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Араб тили ва адабиёти, ал-Азҳар кафедраси
катта ўқитувчиси, PhD. ngrm@mail.ru

АДАБ ИЛМИ ВА БАЛОҒАТ

НАУКА АДАБ И БАЛАГА

THE SCIENCE OF ADAB AND BALAGA

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта асрларда шаклланган илмларнинг мусулмон олимлари томонидан қилинган таснифи, “адаб илми” тушунчаси, адаб илми таркибига киритилган фанлар ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга адаб илми таркибидаги балоғат илми ва унинг бир тармоғи бўлган “маоний илми” ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: “адаб илми”, поэтика, балоғат илми, маъоний илми, лингвистика

Аннотация: В статье обсуждается вопрос классификации науки, сформированной в средние века мусульманскими учеными, понятие «ilmul-adab» и науки, входящие в структуру “ilmul-adab”. Также обсуждается вопрос о науке балага и одна из её составных частей “ilmul-maani”.

Ключевые слова: “ilmul-adab”, поэтика, ilm-ul-balaga, ilm-ul-maani, linguistics

Annotation: The article discusses the issue of classification of sciences, formed in the Middle Ages by Muslim scholars, the concept of “ilmul-adab” and sciences that are part of the structure of “ilmul-adab”. Also discussed is the question of the science of balaga and one of its constituent parts “ilmul-maani”.

Key words: “ilmul-adab”, poetics, ilm-ul-balaga, ilm-ul-maani, linguistics

КИРИШ

Ислом оламида бир қатор филологик илмларнинг вужудга келишида диний эътиқод катализатор ролини ўйнаган. Айнан дин омили, хусусан, Қуръони каримнинг мазмунини аниқ ва тўғри англаш талаби асосида араб тилига бўлган илмий эътибор кучайган. Қуръон тилини англаш баробарида араб тилининг грамматик, семантик, стилистик ўзига хослигини билиш ва тушунишга бўлган зарурат юзага келган. Шунга кўра, VII аср араб тили намунаси

сифатида Қуръони карим матнининг тилини ўрганиш, ундаги лингвистик қонуниятлар, хусусан, маънонинг жилоланишига оид назарий ақидалар, уларнинг тил тўғрисидаги илмлар таснифида қай даражада ифода этилганини ўрганиш замонавий ва тарихий тилшунослик нуқтаи назаридан ҳамда ислом оламида лингвопоэтик тасаввурларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш нуқтаи назаридан долзарб саналади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб-мусулмон анъанасида илмлар таснифи турлича амалга оширилган.

Абу Наср Форобий илмларни икки йирик гуруҳ - назарий ва амалий илмлар гуруҳига тақсимлаган. У ўзининг “Ихсоу-л-‘улум” асарида барча фанларни филологик илмлар, мантик, педагогика, табиий ва илохий фанлар, ижтимоий фанлар, фикҳ ва калом илмларига ажратган. Филологик илмлар ҳақидаги бобга товушларнинг пайдо бўлиши, сўз шакллари ва турлари, араб нахви, шеърят киритган. Нахв ва шеърга оид бандларда араб балоғат илмини ҳам қўшган [5: 7-12]

Абдуллоҳ ал-Хоразмий эса илмларни “араб илмлари” ва “араб бўлмаганлар илмлар” гуруҳларига ажратади. “Араб илмлари” қаторига нахв, сарф, аруз ва балоғат илмларини ҳам киритган [3: 7-24]. Асарда етти бобдан иборат Калом илмлари, ўн икки бобдан иборат грамматика (сарҳф ва нахф) илмлари киритилади. Араб грамматикаси оид бўлимлар “Мифтаҳу-л-‘улум” асарининг 41-53 бетларда келтирилган.

Абу Ҳомид Ғаззолий ва Жалолиддин Суютий каби олимлар аввалги олимлардан биров ўзгача – айнан диний илмларга алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг йўналишига қараб эмас, балки теологик илмлар қаторида тутган ўрни ва мавқеига қараб классификация қилган. Шунга кўра, улар Қуръони карим маъноларини тушуниш, у билан боғлиқ масалаларни ўрганиш учун хизмат қиладиган фанларни асосий фанлар деб белгилайдилар. Суютий илмларни таснифлашда Қуръон, ҳадис, ҳуқуқшунослик, фароиз фанлари билан бир қаторда нахв, сарф, балоғат илмларига оид боблар ажратган [3: 72].

Ўрта асрларда лингвистик ғоялар “адаб илми” истилоҳи орқали берилган.

Адаб илми ўз мазмунига лингвистика ва адабиётшуносликка оид қарашларни узвий бирлаштиради ва мумтоз даврнинг поэтик қарашлари мажмуига тенг келади. Араб-мусулмон цивилизацияси замирида сўз, гап, нутқ ва фикрни ифодалаш билан боғлиқ бўлган тилшунослик, адабиётшунослик, риторика, ораторлик (нотиклик), стилистика соҳаларнинг шаклланиб ривожланиши, кейинчалик ўз даврининг, хусусан, бутун мусулмон Шарқи мамлакатларининг адабий-поэтик эталонига айланишида ҳам ислом омили бош устқурма сифатида аҳамият касб этади [4: 3].

Адаб сўзининг луғавий маъноси адабиёт, яхши тарбия, яхши хулқ, хушмуомалалик, ҳаётни тўғри тушуниш ва одоб сўзининг кўплигидир [1: 171; 5:38]. Абу Зайд Ансорий айтади: адаб бу – инсонни юксакликка олиб борадиган машқдир [5:16].

Адаб илмлари дастлаб ўн икки қисмга ажратилган. Улар типологияси ва классификация қилинишида ўрта асрлар олимлари орасида бир қадар ихтилоф бўлган. Ибн Анборий “Nuzhatu-l-ulabbā’ fī ṭabaqāti-l-udabā’” асарида бу илми саккиз қисмга ажратган бўлса, Замахшарий “Qistās” асарида уни ўн икки қисмга ажратади. Қози Закариё эса “al-Baydāviy” асари хошиясида адаб илмини ўн тўрт қисмга тақсимлаган.

Адаб илмининг икки тадқиқот объекти мавжуд деб ҳисобланган, улар: а) араб тилидаги нутқ Қуръони каримга боғлиқ эмаслиги ва арабча нутқни араблар сўзлашадиган услубда хатолардан холи тузиш қонуниятларини ўрганади; б) адаб илмининг “uṣūl” ва “fuṣū’” қисмлари мавжуд, деб ҳисобланган. Усул қисми луғат, сарф, иштиқоқ, нахв, маъоний илми, баён илми, бадий илми, аруз илми, қофия илмларининг назарий асосларини бирлаштирган. Фуруъ қисми эса хат турлари, шеър ёзиш, насрий асар, рисолалар ёзиш, маъруза ва тарих қабиларнинг амалда амалий жиҳатларидан иборат бўлган, деган қарашлар мавжуд.

Адаб илмини билган олимлар шеърларда учрайдиган хато ва камчиликларни кўрсатиб бера олган.

Араб-мусулмон маданияти ва адабиёти тарихида айнан адаб илми ва унинг таркибий илмлари ва тушунчаларини биз қуйидагича белгиладик (1-расм):



1-расм. Адаб илми ва унинг таркибий илмлари

Ислом дини ва унинг тараққиёти билан узвий боғланган илмлардан бири бўлган адаб илми таркибига маъоний илми ҳам киритилган. Адаб илми Қуръони карим нозил бўлгунча ҳам мавжуд бўлиб, араб минтақасида назм ва наср исломгача ҳам кенг ривожланган. Адаб илмини билган олимлар шеърларда учрайдиган хато ва камчиликларни кўрсатиб бера олган. Бинобарин, “адаб илмлари” таркибида ҳам тилшуносликка, ҳам адабиётшуносликка оид илмлар яхлитликда ўрганилган ва улар асосан араб тили билан боғлиқ илмлар сифатида тасниф этилган.

Адаб билми таркибида балоғат илми ҳам мавжуд. Унинг таркибий қисмлари қуйидаги масалаларни ўрганган: баён илми (علم البيان) тропларни, яъни сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши – ўхшатиш ва мажознинг барча турларини ўрганган. Маъоний илми (علم المعاني) фикрни тўлиқ ифода этиш учун грамматик, лексик, бадийлик ва поэтик воситаларнинг барчасидан фойдаланиш қонун-қоидалари ўрганган. Ўзбек тилшунослигидаги стилистик синтаксис маъоний илмига яқин туради ва унинг мавзусига мос келади. Бадий илми (علم البديع) бадий фигуралар, ҳар хил шеърӣ-шаклий санъатлар ҳақидаги илмдир. Бинобарин, балоғат илми таркибидаги мана шу учта илм ўз моҳиятига кўра тил поэтикаси билан боғлиқ нутқнинг турли хусусиятлари мажмуи бўлиб, улар мустақил илм соҳалари сифатида ўрта асрларда шакллантирилган. Мазкур илмларнинг тадқиқот объекти бадий тилдир. Шу нуқтаи назардан, баён ва бадий илмлари поэтология, замонавий тил билан айтганда адабиёт назарияси билан, маъоний илми эса филологик

илмларнинг тилшунослик, замонавий тил билан айтганда, лингвопоэтика ва психолингвистика билан мос келади.

Балоғат сўзининг дастлабки луғавий маъноси “вояга етиш, етиб келиш, етишиш ва тугаш”дир. Қуръони каримда ушбу маънода келган оятлар мавжуд. “Улғайиб балоғатга етди” маъносида “Нур” сурасининг 59-ояти мисол бўлиши мумкин.

“Муддатга етиб келиш” маъносида эса “Талоқ” сурасининг 2-оятини мисол қилиш мумкин.

Қуръони каримнинг “Қамар” сураси 5-оятда “حكمة بالغة - ḥikmatun bāliḡatun” жумласи келади. Унинг мазмуни “етук ҳикмат” деган маънога тенг келади. Бинобарин, балоғат илми, хусусан, маъоний илми, Қуръони карим тилини ўрганишдаги “етук ҳикмат”ни англаш демакдир.

Балоғат илми тараққиёт босқичларининг муамосини илмий ўрганиш асосида бу илм 3 асосий босқичда ривожланган деган хулосага келиш мумкин:

1-босқич – шаклланиш даври: жоҳилия давридан илк ислом давригача бўлган давр.

2-босқич – ривожланиш босқичи: IX-XI асрлар.

3-босқич – мукаммал даражага етган давр: XII аср.

Шартли равишда 4-босқич сифатида ҳисоблаш мумкин бўлган давр сифатида XII асрдан кейинги даврни кўрсатиш мумкин. Бу даврда балоғат илмига оид асарларга турли шарҳлар ёзилган, бу соҳани ўргатиш учун соддалаштирилган ва умумлаштирилган тарздаги махсус қўлланмалар яратилган. Ушбу жараён шарқ тиллари стилистикасининг яратилишига асосий замин вазифасини ўтаган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, адаб илми таркибида балоғат илми ва маъоний илмлари Қуръон тили билан бевосита узвийликда шаклланиб, араб-мусулмон адабий-лингвистик қарашларининг барчасини ўз мазмунида мужассам этади. Демак, ислом оламида ўрта асрлардаги барча лингвистик назариялар тил воқелигининг Қуръон тилида акс этиши амалиёти билан боғлиқдир.

Маъоний илмини ўрганиш Қуръони карим тилини ўрганишга тенг келади. Қуръони карим

тилини ўрганиш эса араб тилида яширинган лингвистик қонуниятларни ўрганишга тенгдир. Қуръони карим оятлари, тил нуқтаи назаридан олий даражада мукамалликка эга бўлиб, унинг маъносини тушуниш учун маъоний илмининг қонуниятларини ҳам ўрганиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Б. 171;
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б. 38.
3. Баходиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – 144 б.
4. Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. – С. 3.
5. الفارابي ابو نصر. إحصاء العلوم. لبنان: رأس بيروت. 1991. 7: 12 - ص
6. رجب عبد الجواد إبراهيم. مجمع المصطلحات الإسلامية في مصباح المنير. – القاهرة. 2002. ص. 61. (-023 ص).